



Ёш диний соҳа ходимлари учун медиа саводхонлик



Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан диний соҳа ёш ходимларининг ахборот, медиа ва коммуникациялар бўйича саводхонлигини оширишга қаратилган I илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари соҳа ёш ходимлари касб-маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориш, бугунги давр руҳини ҳис қилиш, замонавий илм-фанларни пухта эгаллаш ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш

бугунги куннинг муҳим талаби эканини таъкидлади. Шу билан бирга, пешволик мақоми, мавъиза қилиш одоблари, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиш ва дин ғами, халқ дарди, Ватан тақдирини ўйлаб хизмат қилиш лозимлигини уқтирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўлим мудири Нурали Орипов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Қуръон ва тажвидни ўргатиш бўлими мудири Шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдум ўғли ва филология фанлари доктори Беруний

Алимов ўз маърузалари билан иштирок этди.

Шунингдек, семинарнинг иккинчи кунда “Шамсуддинхон Бобохонов” НМИУ Даврий нашрлар бўлими мудири Толибжон Низомов тингловчиларга мақола ёзиш маҳоратини ошириш хусусида маъруза қилди.

Ёш диний соҳа ходимлари уч кун давом этган семинарда тажрибали уламолар ва малакали устозлардан соҳага оид ҳамда ахборот технологиялари борасида зарур билимларни эгаллашди. Қолаверса, улар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоблар олишди.

3-бетда

Сурур

Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!

Мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллик шодиёналарига ҳам жуда оз фурсат қолди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 июль куни “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, бу йилги байрам

тантаналари **“Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!”** деган бош ғоя асосида ўтказилади. Ушбу ғоя замирида эса халқимизнинг бирдамлиги, жипслиги, ҳамфикр ва жонажон юртимиз келажиги учун барча бирдек масъулигини билдирувчи эзгу маъно ва мазмун мужассам.

Бугун Ўзбекистонимиз барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришмоқда. Жумладан, диний-маърифий соҳада ҳам мислсиз ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга диний таълим муассасалари,

3-бетда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 30 июль. Матлуба Қаҳҳорова Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

✓ 2 август. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Тошкент шаҳридаги “Исломобод” жоме масжидида жомоат билан жума намозини адо этди.

✓ 3–5 август. Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида “Мўътадиллик тамойиллари ва қадриятларини тарғиб қилиш ҳамда мустаҳкамлашда Ислом ишлари ва вақф вазирликларининг ўрни” мавзусида ўтказилган IX халқаро конференцияда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, Тошкент ислом институти ректори Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов, “Вақф” хайрия жомоат фонди раиси Исохон Абдуллаев иштирок этдилар.

✓ 9 август. Чеченистон Республикаси муфтийси ўринбосари Арби Жафаров, муфтий ўринбосари ёрдамчиси Асхаб Кайсаров, Веденский тумани қозиси Ильяс Газимагомаев, Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти Мавлидин Гаджиев ва Ўзбекистондаги И.Р.Гамзатов номидаги Доғистон миллий маданият маркази раиси Гарун Шамхалов Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтига ташриф буюришди.

✓ 11 август. Имом Термизий номидаги ислом институти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Мусулмоннинг қўрғони

«Аллоҳумманфаъний би мааъалламматаний ваъаллимний мааъйанфаъуний ваъзиднийъилман. Алҳамдулиллаҳиъалаакуллиҳаалин ваъъузу биллаҳи минҳаалиаҳлин наар».

«Аллоҳим! Менга таълим берган нарсанг ила манфаат бергин. Менга ўзимга манфаат берадиган нарсани таълим бергин ва илмимни зиёда қилгин. Ҳар бир ҳол учун Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳдан дўзах аҳлининг ҳоли(га тушиб қолиш)дан паноҳ сўрайман» (Имом Термизий ривояти).



«(Тул) хотинларга совчиликни ишора қилишингизда ёки (уни) ичингизда пинҳон сақлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир. Аллоҳ уларга гапиришингизни билади. Лекин улар билан яширинча ваъдалашмангиз! Фақат яхши гап гапиришингиз (мумкин). То битик ўз муддатига етмагунча никоҳ боғлашга азму қарор қилманг ва билингизки, албатта, Аллоҳ ичларингиздаги нарсани ҳам билади. Ун(инг азоби)дан эҳтиёт бўлинг ва яна билиб қўйингизки, албатта, Аллоҳ кечирувчи, ҳалимдир» (Бақара сураси, 235-оят).

Яширинча ваъдалашманг!

Бу оятлардаги ҳукм эри вафот этиб, иддада ўтирган аёлга уйланиш истагини билдириш тартиби ҳақидадир. Ундан бошқа идда ўтирган аёлга совчи қўйиш, никоҳни таклиф қилиш, уйланиш жоиз эмас.

“(Тул) хотинларга совчиликни ишора қилишингизда ёки (уни) ўз ичингизда тутишингизда гуноҳ йўқ”. Яъни, эри вафот этгани туфайли идда ўтирган аёлга тўғридан-тўғри, очиқчасига совчи қўйиш ёки никоҳни таклиф қилиш орқали эмас, балки “сиз гўзалсиз”, “солиҳасиз”, “уйланмоқчиман”, “менга ёқасиз” каби иборалар билан уйланиш истагини билдириш ёки ишора қилмай, кўнглида сақлаш жоиз. “Аллоҳ уларга гапиришин-

гизни билади”. Аллоҳ таоло сизларнинг уларга уйланиш истагингизни кўнглингизда сақлай олмаслигингизни билади. Шунинг учун уларга уйланиш истагингизни очиқ айтмай, ишора орқали билдиришингизга рухсат берди.

“Лекин улар билан яширинча ваъдалашмангиз!” Яъни, уларга уйланишингизни ваъда берманг.

“Фақат яхши гап гапиришингиз (мумкин)”. Яъни, жоиз бўлмаган гап-сўзларни ишлатмаган ҳолда уларга уйланиш рағбатингизни ишоралар билан билдиришингиз мумкин.

“То битик ўз муддатига етмагунча, никоҳ боғлашга азму қарор қилманг”. “Битик”дан мурод

иддадир. Яъни, эри ўлган аёлинг иддаси тугамагунча — эри ўлган кунидан бошлаб тўрт оюн кун ўтмагунча улар билан никоҳланишга қарор қилманг.

“Билингизки, албатта, Аллоҳ ичларингиздаги нарсани ҳам билур”. Яъни, Аллоҳ қалбингизда яширган ҳар бир ўй-хаёлларингизни билишига шубҳа қилмай, қатъий ишонинг!

“Ундан эҳтиёт бўлинг ва яна билиб қўйингизки, албатта, Аллоҳ кечирувчи, ҳалимдир”. Аллоҳ таолонинг азобидан қўрқинг. У қайтарган ишларга яқинлашманг! Мабодо, сиздан гуноҳ содир бўлса, тавба қилинг, Унинг раҳматидан нонурид бўлманг. Аллоҳ таоло тавба қилувчиларнинг гуноҳларини кечиради.

“Тафсири Насафий” асосида
“Қўқалдош” ўрта махсус
ислом билим юрти мударрисини
Авазбек ЖУМАБОВ тайёрлади.

Ҳадис шарҳи

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Бирортангиз биродарининг совчилиги устига то у совчилигини бекор қилмагунча ёки унга рухсат бергунча совчилик қилмасин”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Бу ҳадис совчилик устига совчилик қилиш ҳаром эканига далолат қилади.

Кимдир бир аёлга ё қизга совчи қўйилганини билган ҳолда ана шу аёл ё қизга совчи қўйиши ҳаромдир. Бу кўрсатма замирида инсонлар учун, жамият учун улкан манфаатлар бордир. Бировнинг совчилиги устига совчи қўйиш одамлар орасида кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Афсуски, бугун айрим кишилар бировнинг совчилиги устига совчилик қилиб, одамлар орасига совуқчилик туширяпти.

Совчилик никоҳнинг муқаддимасидир. Аммо никоҳ шартларига кирмайди. Совчилик — қиз ё аёлинг унга совчи қўйган йигитга турмушга чиқишга розилигини билиш, сўрашдир. Уйланиш истагидаги йигит ё кишининг ўзи ҳам совчи бўлиши мумкин.

Бир эр ва аёлинг никоҳи сабаб қудачилик деб аталган қариндошлик пайдо бўлади. Бир-бирига мутлақо нотаниш ва бегона кишилар келин-куёв сабаб ўзаро қариндошга айланадилар. Никоҳ оддий бир келишув эмас, балки Яратганнинг амри, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларидир. У — икки мусулмон эркак ёки бир мусулмон эркак ва икки мусулмон аёл гувоҳлигида тузиладиган муборак битим, келишув.

Келин ва куёв танлашда,

уларнинг ва оилаларининг насабли ёки мансабли эканига эмас, балки дину диёнатига эътибор қаратиш керак. Зеро, ҳадиси шарифда: **“Аёл тўрт нарса учун никоҳланади: моли, насаби, жамоли ва дини учун. Сен диндорини танлагин, қўлинг тупроққа қорилгур”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти), дейилган.

Бир киши Ҳасан ибн Али розияллоху анҳуга: “Менинг бир қизим бор, уни кимга никоҳласам экан?” деди. У киши: “Уни Аллоҳга тақво қиладиганга никоҳланг. Агар уни яхши кўрса, ҳурматини жойига қўяди, ёмон кўрса, зулм қилмайди”, деди.

Ойша онамиз розияллоху анҳо деди: “Никоҳ — қулликдир. Шундай экан, ҳар бирингиз ўзининг иззатлисини (қизини) қандай жойга бераётганига қарасин”.

Имом Шаъбий раҳимахуллох айтади: “Ким иззатлисини (қизини) фосиққа никоҳлаган бўлса, унинг бошини ёрибди”.

Шариатимиз умр савдоси бўлмиш турмуш масаласида жиддий ўйлаб кўришга, совчилик қилишдан олдин фикр юритишга ундайди. Қиз бола ёки аёл киши ҳам оила аъзоларини беҳабар қолдириб, ўзи эрга тегиб олиши тўғри эмас. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Хожаларининг изни билан уйланаверинглар”** (Нисо сураси, 25-оят).

Никоҳ риштаси мустаҳкам бўлиши учун илоҳий амр ва суннати набавия кўрсатмаларига риоя қилинса, оилалар барқарор бўлади, иншоаллоҳ.

Манбалар асосида
Толибжон НИЗОМ тайёрлади.

Огоҳлик — давр талаби

Инсон доимо юзи ёруғ бўлишини истайди. Энг асосийси, қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузуридаги юзиқоралиқдан асрасин. Шу боис, “Аллоҳим, икки дунёда юзимни ёруғ қил” деб дуо қиламиз.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Сизлар менинг ва тўғри йўлда юрувчи, ҳидоят топган хулафоларимнинг йўлини тутиб, уни озиқ тишларингиз билан тишлагандек маҳкам ушланглар”**.

Динга янгилик киритишдан сақланинглар, албатта, ҳар қандай бидъат залолатдир (Имом Абу Довуд ривояти) деганлар.

Ислом динида тафриқаларни юзага келтириш, турли хил оқимларга бўлиниш, тарафкашлик қилиш каби ишлар залолатга олиб боровчи бидъат ишлардир.

Залолат эса қиёмат куни

инсоннинг юзи қора бўлишига сабаб бўлади. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Баъзи юзлар ёруғ ва баъзи юзлар қораядиган кун (қиёмат)ни эсланг...”** (Оли Имрон сураси, 106-оят) деган оятни: **“Аҳли сунна вал жамоат”нинг юзи ёруғ бўлади, аҳли бидъат**

ва залолатнинг юзи қораяди”, деб тафсир қилганлар (Имом Молик ривояти).

Аллоҳ таоло барчамизни турли хил залолатлардан асраб, икки дунёда юзимизни ёруғ қилсин!

Боймурод ХОЛМУРОДОВ,
Қариши тумани
бош имом-хатиби

Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!

1-бетда

мадрасалар, илмий-маърифий, илмий-тадқиқот марказларига асос солинмоқда. Ёшларимиз Жазир, Иордания, Малайзия, Саудия Арабистони, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси ҳамда Кувайтда ташкил этилган халқаро Қуръони карим мусобақаларида ўз иқтидорларини намойиш этиб келяпти.

Юртимизда ўтказиб келинаётган халқаро анжуманларга ислом оламида ўзига хос хайрихоҳлик билдирилмоқда. Хусусан, ўтган йили пойтахтимизда Туркий давлатлар ташкилоти мусулмон диний идоралари раҳбарлари кенгашининг тўртинчи йиғилиши, Бухорода Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигига бағишланган “Боқий Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни” мавзуидаги анжуман кўпчилигининг эътирофига сазовор бўлди.

Иштирокчилар Туркий давлатлар ташкилоти мусулмон диний идоралари раҳбарлари кенгаши вазибалари юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар билан ҳамроҳ эканлигини таъкидлашди. Кенгаш яқин йилларда ташкил этилганига қарамай, Ислом дини равақли,



мўмин-мусулмонлар фаровонлиги ва туркий халқлар бирдамлиги, шунинг билан бирга, буюк боболаримиз меросини чуқур тадқиқ этиш ҳамда халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш ишларига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Дарвоқе, бугунги мураккаб даврда кишилар турли фитна, бузғунчи ғоя ва ахборот хуружлари каби таҳдидлардан азият чекоқда. Шундай муаммолар қаршисида Туркий дунё ҳар қачонгидан кўпроқ бирлашиб, муаммоларни бартараф қилишга жидду жаҳд қилиши лозим.

– Ислом цивилизациясининг қадимий маркази бўлган Ўзбекистонда бундай нуфузли анжуманни ташкил этиш, шакл-шубҳасиз, Исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб беришда муҳим аҳамият касб этади, – деди Шайхулислом Оллоҳшукур Пошозода. – Биз бутун турк дунёси диний жамоатчилиги номидан Президент Шавкат Мирзиёев жаноби

олийларининг бу каби катта маънавий аҳамиятга эга ташаббусини умумий қўллаб-қувватлашимизни билдирамыз.

Бухоро шаҳрида Мир Араб мадрасасининг 500 йиллиги муносабати билан “Боқий Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни” мавзуида ўтказилган халқаро анжуманда эса муфтийлар, таниқли уламолар, исломшунос тадқиқотчи ва диний соҳа вакиллари фаол қатнашди.

Халқаро мусулмон уламолар кенгаши раиси, Шайх, проф., Др. Алий Мухйиддин Қорадоғий ҳазратлари Ўзбекистон илм-фан ва маданият бешиги эканини, бу юрт алломалари олдида жаҳон халқлари қарздор эканини таъкидлади.

Албатта, соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ишларнинг қамрови ниҳоятда кенг. Эътиборлиси, юртошларимиз бир халқ, бир Ватан бўлиб кўзланган мақсадларга эришмоқда. Тобора яқинлашиб келаётган энг азиз ва энг улуғ байрамимиз – Мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллик шодиёналарини ўзгача сурур билан қарши олишга чоғланмоқда. Дилдаги энг олий истагимиз – Истиқлолимиз абадий, халқимиз ҳамиша омон ва юртимиз тинч бўлсин!

Дилмурод СОДИҚОВ тайёрлади.

Семинар

Ёш диний соҳа ходимлари учун медиа саводхонлик



1-бетда

Семинар якунида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ёшларни ушбу тадбирнинг илк тингловчиси бўлганлари билан қутлаб, келгусида ҳам ёш имомларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давом этишини билдирди.

Тингловчиларга семинарда олган билим ва малакаларини

амалиётда кенг қўллаш, вақтни ғанимат билиб доимо ўз устида ишлаш, шунингдек, дин таълимотини мўмин-мусулмонларга чиройли мавъиза билан етказиш, замон билан ҳамнафас бўлиш борасида насиҳат ва тавсиялар берилди.

Тадбир сўнгида ёш имомларга сертификатлар топширилди.

Ўз мухбиримиз

5-бетда

Масала

Динда саволим бор...

Савол: Қуръон билан қасам ичиб, қасамини бузиб қўйса, каффорат вожиб бўладими?

Жавоб: Аллоҳ таолонинг исмлари ё сифатлари билан қасам ичилади. Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи, яъни сифатларидан бири маъносида бўлгани учун фуқаҳоларимиз Қуръон билан қасам ичган киши қасамини бузса, унга каффорат вожиб бўлади, дейишган (“Фатхул Қодир”, “Раддул мухтор”).

Савол: Эмикдошимнинг туғишган, лекин бошқа отадан бўлган опа-сингиллари менга номаҳрамми?

Жавоб: Гўдаклигида онангиз эмизган эмикдошингизнинг опа-сингиллари – оталари бир ё бошқа бўлса ҳам – сизга номаҳрам. Аммо гўдаклигингизда сизни эмизган аёлнинг – сут онангизнинг барча фарзандлари сизга маҳрам бўлади (“Дуррул мухтор”).

Савол: Мен телефонда хотинимга бир марта “Талогингни бердим” деб, сўнг икки марта “Шу кундан бошлаб менга ҳаромсан” деб айтганман. Шунда з талоқ тушадими?

Жавоб: Саволингизга сиз ва аёлингизнинг иштирокисиз жавоб бериб бўлмайди. Чунки талоқ масаласи жонли мажлисда, эр-хотин иштирокида кўриб чиқилади. Шунинг учун талоқ масаласида саволи бўлган оилалар расмий имом-домлалар ҳузурига бориб, ҳолатни аниқ ва тўла баён қилиб, сўнг саволларига жавоб олишлари керак. Акс ҳолда, кўп тушунмовчиликлар келиб чиқади.

Савол: Марҳумлар ҳақида гапирилганда “раҳматли бўлиб кетган”, дейилади. Шундай дейиш тўғрими?

Жавоб: “Марҳум”, “раҳматли” калималари ўтганлар ҳақида яхши ўйда, яъни “Аллоҳ таолонинг раҳмати ва мағфиратидан баҳраманд бўлган” маъносида қўлланилади.

Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳақларидан бири уни вафотидан кейин яхшилик билан эслаш, хотирлаш ва ҳаққига хайрли дуо қилишдир.

Муқим киши мусофир имомга иктидо қилса...

Имомга иккинчи, учинчи ё тўртинчи ракатда иктидо қилган киши (масбук) охирги қаъдада имомга эргашиб, “Аттаҳиёт”, салавот ва дуо ўқиса ҳам унга саждаи сахв вожиб бўлмайди (“*Фатавойи Оламгирия*”).

Имом салом бераётганда, яъни имом “Ассалом” лафзини айтгач, “... алайкум ва раҳматуллоҳ” демасдан олдин унга иктидо қилган кишининг иктидоси дуруст бўлмайди (“*Раддул мухтор*”).

Охирги қаъдада имомга иктидо қилган киши имом салом берганда ташахҳудни ўқиб тугатмаган бўлса, ташахҳудни тўлиқ ўқиб, кейин етолмаган ракатларини ўқишга туради. Агар ташахҳудни тўлиқ ўқимай, етишолмаган ракатларни ўқишга турса, унга саждаи сахв вожиб бўлмайди (“*Раддул мухтор*”).

Тўрт ракатли намознинг охирги ракатада имомга иктидо қилган киши кечиккан ракатларини қуйидаги тартибда ўқиши керак:

“Имом салом бергач, туриб Сано, Фотиҳа ва замсура ўқийди. Сўнгра руку ва сажда қилиб, қаъдада ўтиради. Ташахҳудни

ўқигач, туриб Фотиҳа ва замсура ўқийди, руку, сажда қилиб, охирги ракатга туради. Унда фақат Фотиҳа сурасини ўқиб, намозни тугатади” (“*Раддул мухтор*”).

Муқим мусофирга тўрт ракатли намознинг иккинчи ракатада иктидо қилса, имом салом бергач, туриб биринчи ракатни қироат билан, иккинчи ракатни қироатсиз адо қилади (“*Раддул мухтор*”).

Мусофирга пешин, аср, хуфтон намозларининг охирги қаъдасида иктидо қилган муқим имом салом бергач, туриб аввалги икки ракатни қироат билан, кейинги икки ракатни қироатсиз адо қилади (“*Раддул мухтор*”).

Тўрт ракатли намозларнинг биринчи ракатада мусофирга иктидо қилган муқим имом салом берганидан кейин қолган икки ракатни қироатсиз адо қилади (“*Раддул мухтор*”).

Масбук (биринчи ракатдан кейин намозга қўшилган киши) жаҳрий намозда имом қироат қилаётган бўлса, Сано ўқимайди. Агар имом махфий қироат

қилаётган бўлса, сано ўқийди (“*ад-Дуррул мухтор маъа Раддил мухтор*”).

Имомга рукуда иктидо қилган киши таҳрима такбирини ва яна бир такбир айтиб (“Аллоҳу акбар” деб), рукуга бориши – суннат (“*Таҳтовий*”).

Муқтадий салавот, дуони тўлиқ ўқиб бўлмасидан имом салом берса, унга эргашиб салом бериши керак. Агар ташахҳудни охиригача ўқимаган бўлса, уни тўлиқ ўқиб, сўнг салом беради (“*Раддул мухтор*”).

Аввалги қаъдада муқтадий “Аттаҳиёт”ни ўқиб бўлмасидан имом учинчи ракатга турса, муқтадий “Аттаҳиёт”ни тўлиқ ўқиб, кейин туриши лозим (“*Раддул мухтор*”).

Рамазон ойида витр намозининг учинчи ракатада муқтадий Кунут дуосини ўқиб бўлмасидан имом рукуга борса, муқтадий имомга эргашиб рукуга бориши лозим (“*Раддул мухтор*”).

✍ **Ёрқинжон ФОЗИЛОВ**нинг
“Саждаи сахв масалалари” китобидан

Яхшиликка чақириш

Жамият бирлигига рахна солувчи иллат

Шундай инсонлар борки, у сиз ҳақингизда дўстингизга, дўстингиз ҳақида эса сизга турли бўхтон ва уйдирмаларни етказдилар. Афсуски, кўп ҳолларда учинчи одамнинг гапига ишонадилар. Натижада дўстлик, биродарлик ришталарига путур етади.

Хузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қиладилар: “**Чақимчи жаннатга кирмайди**” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Чақимчилик, иккиюзламачилик — ёмон иллат. Шу боисдан ҳам бу каби қабих ишлар билан шуғулланган кишилар жаннатга яқин йўламайди.

Устозларимиздан бири чақимчилик хусусида қизиқ воқеани сўзлаб берганди. Яъники, у зот масъул лавозимда хизмат қилиб юрган кезлари бир ходим нуқул бошқа бир ҳамкасби ҳақида турли ифволар тарқатаверади. Аслида улар иккиси дўст,

бир олийгоҳда ўқиган сабоқдош, бир маҳаллада яшовчи қўшни эди. Ишга бирга келиб, бирга кетади. Аммо мансаб васвасаси уни йўлдан уради ва дўстининг устидан чақимчилик қилишга ундайди. Шунда устозимиз унга кўп ўринли насиҳатлар қилади. Лекин қор қилмайди. Алал-оқибат у дўстидан ҳам, ишидан ҳам айрилади.

Демак, киши ўзганинг муваффақиятидан фақат қувониши, ҳавас қилиши лозим экан. Ана шундагина Аллоҳ таоло унга истаганидан ҳам зиёда қилиб беради. Бунини асло унутмаслик лозим.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “**Орангиздаги энг ёмон киши кимлигини биласизларми?**” Саҳобалар: “Аллоҳ ва унинг Расули билгувчи роқ”, деб жавоб беришди. У зот: “Сизларнинг энг ёмонингиз иккиюзламачи кишидир. У бир жамоага бир юз билан ва бошқасига бошқа бир юз билан боради”, дедилар».

Муҳаддис олимлар иккиюзлама-

чи кишини қуйидагича таърифлашади: “Иккиюзламачи одам Умарнинг олдида бориб Усмоннинг номидан уни ёмонлайди, Усмоннинг олдида бориб Умарнинг номидан уни ёмонлайди”.

Ҳа, чақимчилик одамлар ўртасида адоват ва ғазаб келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам чақимчилик муқаддас динимизда катта гуноҳ, иллат ҳисобланади. Бу иллат нафақат кишилар ўртасига, балки қариндошлар, жамият бирлигига ҳам рахна солади.

Яна бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳасадгўй, чақимчи, қохин мендан эмас, мен ҳам улардан эмасман”, деганлар (Имом Табароний ривояти).

Аллоҳ таолонинг мағфиратига муҳтож, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатидан умидвор бўлган ҳар бир уммат бугуноқ ушбу иллатлардан узоқ бўлиши лозим.

✍ **Шаҳнозахон СОДИҚОВА**

Назм бурчаги

Мен нимадан қўрқаман?

Хайрият, қўриқчим бор,
Буюк кузатувчим бор,
Улуғ назоратчим бор,
Мен нимадан қўрқаман?

Шукр, мўмин бандаман,
Саждададир пешонам,
Ўзига ишонаман,
Мен нимадан қўрқаман?

Эътиқодим мустаҳкам,
Ибодат, амал маҳкам,
Мудом аҳдида бўлсам,
Мен нимадан қўрқаман?

“Айт” деганини айтсам,
“Қайт” деганидан қайтсам,
Шайтон томон тош отсам,
Мен нимадан қўрқаман?

Деса: “Балодан тўсғум”,
Қўлида бўлса ризқим,
Ўзига бўлса ишқим,
Мен нимадан қўрқаман?

Меҳри йўққа меҳр йўқ,
Раҳми йўққа раҳм йўқ,
Чин мўминга ваҳм йўқ,
Мен нимадан қўрқаман?

Аллоҳ ишқида ёнсам,
Қадарига ишонсам,
Тилим кесилсин, тонсам,
Мен нимадан қўрқаман?

Қўлимда бўлса Қуръон,
Йўлдан уролмас шайтон,
Ўзи қўллагай Раҳмон,
Мен нимадан қўрқаман?


Фақат қўрқай Ўзидан,
Огоҳ этган сўзидан,
Қочирмаса қўзидан,
Мен нимадан қўрқаман?

Жонимқул бир ишқталаб,
Тақвода кеч-эрталаб,
Юрмас гуноҳ орқалаб,
Мен нимадан қўрқаман?

Иймонсизда сабр йўқ,
Тақвосизда қадр йўқ,
Бу сўзларда қибр йўқ,
Мен нимадан қўрқаман?

Қулинг қўлла, Аллоҳим,
Кечиргайсан гуноҳим,
Фақат Ўзинг паноҳим,
Мен Ўзингдан қўрқаман.

✍ **Жонимқул ТўРА,**
Яккабоғ тумани



Расулуллоҳнинг муаззинлари – Абдуллоҳ ибн Умму Мактум

Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоху анху – Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг муаззини. У ҳақда Қуръони каримда бир неча оят нозил бўлган. Асли қурайшийлардан, Хадича розияллоху анҳо онамизнинг тоғаваччаси. Отаси Қайс ибн Зайд, онаси Отика бинти Абдуллоҳ ибн Анкаса Макканнинг ҳурматли кишиларидан. Онаси Отиканинг Умму Мактум деб аталишига фарзанди Абдуллоҳнинг кўзи ожиз ҳолда туғилгани сабаб бўлди (“умму” – она, “мактум” – беркитилган маъносида).

Бир куни Расулуллоҳ алайҳиссалом бир гуруҳ Қурайш зодагонларига Ислон дини ҳақида гапириб турганларида Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келди-да: “Ё Расулуллоҳ! Раббингиз сизга билдирганлардан менга ҳам ўргатинг”, деди. Расулуллоҳ унга қараб қошларини чимириб, юзларини буриштирдилар-да, ўгирилиб, яна гапиришда давом этдилар. Лекин бу менсимаслик эмасди. Чунки у зот маккалик ушбу зодагонлар иймонга келса, Ислон кучайиб, қолганларнинг ҳам иймонга келиши осон бўлади, деб умид қилган эдилар.

Бироқ кутилганидек бўлмади, улар иймон келтиришмади. Шу пайт Аллоҳ қуйидаги оятларни нозил қилди: «(Мухаммаднинг) қовоғи уюлди ва юз ўгирди. Зеро, унинг ҳузурига кўзи ожиз одам келган эди. (Эй Мухаммад!) Сиз қаердан ҳам билурсиз, эҳтимол, у (сиздан фойдаланиб, ўз гуноҳларидан) **покланар ёки эслатма оларда, сўнгра бу эслатма унга фойда берар?! Аммо** (сизни машғул қилган) **бой кимсага эса, сиз** (этибор бериб) **мутасаддилик қилмоқдасиз. Ҳолбуки, унинг** (ўз куфридан) **покланмаслиги сизга зарар эмас эди. Энди олдингизга югурган ҳолда** (Аллоҳдан) **кўрқиб келган киши эса, сиз ундан чалғимоқдасиз. Йўқ!** (Бундай қилманг!) **Албатта, улар** (Қуръон оятлари) **айни эслатадир»** (Абаса сураси, 1–11-оятлар).

Бу илоҳий амрдан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам унга янада илтифотли бўлдилар. Ҳатто унга: “Эй Раббимдан

менга итреб олиб берган зот, хуш келдинг!” дея ёнларига ўтқазар ва ҳол сўрар эдилар.

Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоху анху Маккада мушриклар зулми ҳаддан ортиб, чидаб бўлмас ҳолга келганида мадиналик мусулмонларга дин асосларини ўргатиш учун ҳижрат қилди. Абдуллоҳ ва Мусаб розияллоху анхумо Ясрибда инсонларга Ислоннинг асл моҳиятини тушунтириб, Қуръони каримни ўргатишди. Кейинчалик Абдуллоҳ розияллоху анху Билол ибн Абу Рабоҳ розияллоху анху билан ҳар куни одамларни намозга чақирарди. Билол розияллоху анху азон айтса, Абдуллоҳ розияллоху анху иқомат туширарди.

Рамазон ойида Билол розияллоху анху азон айтиб, одамларни саҳарликка уйғотса, Абдуллоҳ розияллоху анхунинг азони билан одамлар саҳарлик қилишдан тўхтаб, масжидга ошиқарди. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Билол кечаси азон айтади. Сиз то Абдуллоҳ ибн Умму Мактумнинг азонини эшитганингизча еб-ичаверинг”**, дер эдилар».

Расулуллоҳ алайҳиссалом сафарга чиққанларида Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни Мадинага ноиб қилиб кетардилар. У ўн уч бор ўринбосар бўлиб қолди, ҳатто Макка фатҳида ҳам Мадинада ноиб эди.

Ўринбосар этиб тайинлашларининг бир сабаби шарафли вазифани унга ишонишлари бўлса, иккинчиси, унинг жангларида қатнашиб қийналишини истамаслик эди.

Зайд ибн Собит розияллоху анху айтади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ёнларида эдим. Шунда у зотни сакинот ўраб олди (вахий кела бошлади). Оёқларим у зотга тегиб турганди. Бу вақт мен учун у зот алайҳиссаломнинг оёқларидан оғирроқ нарсаяйқ эди. Ваҳий якунланди ва менга: **“Эй Зайд, ёз,”** дедилар. Мен: **“Аллоҳ моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларни** (уйида) **ўтирувчилардан** (кўра) **ортиқ даражали қилди”** (Нисо сураси, 95-) оятини кўчирдим. Абдуллоҳ ибн Умму Мактум жангга чиққанларнинг фазилатини эшитгач: **“Эй Аллоҳнинг Расули, жангга қодир бўлмаганлар нима бўлади?”** деди. У гапини тугатмасидан

Набий соллаллоху алайҳи ва салламни яна сакинот ўраб олди... Ваҳий тугагач, у зот алайҳиссалом: **“Эй Зайд, ўқи,”** дедилар. Мен оятни ўқидим. У зот алайҳиссалом: **“Ёз”** деб: **“Ўзсиз бўла туриб** (уйида) **ўтирувчи мўминлар билан Аллоҳ йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчилар тенг бўлмайдилар. Аллоҳ моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларни** (уйида) **ўтирувчилардан** (кўра) **ортиқ даражали қилди. Ҳаммасига ҳам Аллоҳ чиройли** (савоб) **ваъда қилди. Аллоҳ улкан мукофот** (тақсими) **да ўтирувчилардан кўра, мужоҳидларни буюк ажр билан афзал этди”** (Нисо сураси, 95) оятини ўқидилар».

Шундан Ибн Умму Мактум хотиржам бўлди.

Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоху анху ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг халифалиги даврида ҳам муаззинлик қилди. Ҳазрат Умар розияллоху анху даврида масъулиятли вазифаларни бажарди. Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоху анху Қуръони каримни ёд олган саҳобалардан эди. Умматга Қуръон қиротидан таълим берарди.

Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг амрларини ёддан чиқармаслик учун доимо суҳбатларида ҳадиси шарифларни ривоят қиларди. Уйи Масжидун Набавийдан узоқ бўлишига қарамай, барча намозларни жамоат билан адо этарди. Масжидга келаётганида Умар розияллоху анху унга ёрдамчи бўларди.

Абдуллоҳ ибн Умму Мактум Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан, ундан эса Абдуллоҳ ибн Шаддод ибн Ҳод, Абдурахмон ибн Абу Лайло, Абу Разин Асадий ва бошқалар ҳадислар ривоят қилишди.

Абдуллоҳ розияллоху анху ҳижрий 636 йилда бўлиб ўтган Қодисия жангида қатнашиб, байроқдорлик қилди. У зот ана шу муҳорабада ёки ундан қайтишда вафот этди.

Манбалар асосида

Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.



Масала

3-бетда

Аллоҳ таоло Қуръони каримда мўминларнинг ана шундай дуолари ҳақида хабар беради: **«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: “Эй Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан илгари иймон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли Зотдирсан!»** (Ҳашр сураси, 10-оят).

Савол: “Дадам жарроҳлик амалиётидан шифо топиб чиқсалар, битта мол сўйиб эҳсон қиламан” деб назр қилгандим. Ўша молнинг гўшtidан ўзим ҳам есам бўладими?

Жавоб: “Фалон ҳожатим раво бўлса (дардимга даво топилса, мушкулларим ариса, сафардагилар эсон-омон қайтиб келишса ва ҳоказо шартларга боғлаб), жонлиқ сўяман”, дейиш назрдир. Назр учун сўйилган жонлиқнинг гўштини садақа олишга ҳақли бўлганларга бериш вожиб. Назр қилган киши ва унинг оиласи ҳамда бой инсонлар назр қилинган жонлиқнинг гўшtidан ейиши жоиз эмас.

“Закот ва ушр олишга ҳақли кишилар фитр, каффорат, назр каби вожиб садақаларни ҳам олишга ҳақлидирлар. “Кўхистоний”да шундай келган” (“Раддул муҳтор”).

“Назр ва каффорат учун сўйилган жонлиқ гўштини, гарчи фақир бўлса ҳам, назр соҳиби ва каффорат ўтовчи ейиши жоиз эмас. Шунингдек, орасида туғишганлик ва эр-хотинлик алоқаси бўлганлар ҳамда бой шахслар ундан емаслиги керак” (“Фуниятун носик”).

Савол: Қуръони каримнинг: **“Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) тушувчидирсиз. (Бу) Раббингиз (иродасига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир”**, оятини ўқиб қолдим. Мўмин-мусулмонлар ҳам дўзахга тушадими?

Жавоб: «Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) тушувчидирсиз. (Бу) Раббингиз (иродасига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир. Сўнгра тақводор бўлганларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз» (Марям сураси, 71–72-оятлар).

7-бетда

Тафаккур очолмаган эшикни истиффор очади

Кўпчилик фарзандига: “Келажакда муҳандис, олим, дўхтир ёки... бўлишингни истайман”, дейди. Лекин кимдир: “Қаерда бўлсанг ҳам, баракали бўлсанг бўлди”, дейди. Мана шу жумла бироз фикрлашга чорлайди.

Аллоҳдан доим мол-дунёга, фарзандларга, ризқнинг озига ҳам, кўпига ҳам барака беришини сўранглар. Муҳими, неъматнинг сони эмас, баракасидир. Барака мол-дунёга берилса, мўл-кўл бўлади. Фарзандга берилса, салоҳиятли бўлади. Барака жисмга берилса, соғлом бўлади. Вақтга берилса, муваффақиятли бўлади. Барака қалбга берилса, бахтли қилиб юборади..

“Кўп ҳам тафаккур қилаверма! Аксинча кўп истиффор айт. Аллоҳ сенга тафаккур билан очмаган эшикларни, истиффор билан очади”.

Бир ҳаром ишни қилаётган бўлсанг ва унинг ҳаром эканлигини билатуриб ҳам тарк қилолмаётган бўлсанг, бу дуони ўқиб юр: “Аллоҳуммаҳримний лаззата маъсиятика, вар-зуқний лаззата тоъатика”

(Аллоҳим! Маъсиятинг лаззатини менга ҳаром қил, мени тоат-ибодатинг лаззати билан ризқлантир).

«Тўрт нарсдан ғафлатда қолган тўрт кишига ҳайронман:

Биринчиси, ғам-ғуссага ботган одам. У қандай қилиб Юнус алай-хиссаломнинг Қуръонда келган: **«Лаа илааҳа иллаа Анта, субҳанака, инний кунту миназ-золиийн»** (Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим) деган дуосидан ғафлатда қолади? Ахир У Зот бу оятнинг ортидан **«Биз унинг дуосини ижобат қилдик ва ғам-ғуссадан нажот бердик»** демоқда-ку! (Анбиё сураси, 87–88-оятлар).

Иккинчиси, катта зарар етган одам. У қандай қилиб Айюб алай-хиссаломнинг Қуръонда келган: **«Анний массанияз-зурру ва Анта арҳамур роҳимийн»** (Эй Раббим! Менга мусибат етди. Ўзинг раҳмиларнинг раҳмлироғидирсан) деган дуосидан ғафлатда қолади? Ахир У Зот бу оятнинг кетидан **«Бас, Биз уни (яъни дуосини) ижобат қилиб, ундаги заҳматни**

кетказдик ҳамда ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб, барча ибодат қилувчиларга эслатма бўлсин, деб (Айюбга) **оиласини ва улар билан қўшиб, яна уларнинг баробарида аҳлу авлод ато этдик»** демоқда-ку! (Анбиё сураси, 83–84-оятлар)

Учинчиси, даҳшатга тушган одам. У қандай қилиб Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам бошлиқ мусулмонларнинг **«Ҳасбуналлоҳ ва ниъмал вакил!»** («Бизга Аллоҳнинг ўзи кифоя. У вакилликка ўта лойиқдир!») деган дуоларидан ғафлатда қолади? Ахир У Зот бу оятнинг ортидан **«Улар (Бадрдан жангсиз) Аллоҳнинг неъматини ва фазли ила бирор ёмонликка учрамай қайтдилар»** демоқда-ку! (Оли Имрон сураси, 173–174-оятлар).

Тўртинчиси, одамларнинг макрига алданган киши. У қандай қилиб Мусо алайхиссаломнинг Қуръондаги **«Ва уфаввизу амрий илаллоҳ. Инналлоҳа басийрум билъибаад»** (Мен ўз ишимни Аллоҳга топширурман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир) деган сўзидан ғафлатда қолади? Ахир У Зот бу оятнинг кетидан **«Бас, Аллоҳ уни уларнинг ёмон макрларидан**

сақлади» демоқда-ку? (Ғофир сураси, 44–45-оятлар).

Оталаримиз аср намозидан сўнг дўконларини ёпар, шу кунги берилган ризққа қаноат қилар, шомдан олдин таомланар, хуфтон намозини ўқиб ухлар ва таҳажжудларга турар, бомдодни ҳам ўз вақтида ўқир эдилар. Шунинг учун жисмлари дам олиб, асаблари жойида бўлар эди.

Бугун эса биз кечки 11 да овқатланамиз, 1 да ухлаймиз ва 9 да уйғонамиз... Аллоҳнинг кўрсатган йўлини ўзгартирдик. Натижада Аллоҳ бизнинг саломатлигимизни беморликка, оромимизни беҳаловатликка алмаштириб қўйди...

Шайх Мутаваалли ШАЪРОВИЙ
раҳимаҳуллоҳ



Мулоҳаза

Фарзандингиз ким бўлмоқчи?

Динимиз мўминларни ҳалол касб

эгаллашга, жамиятга нафи тегадиган шахс бўлишга тарғиб қилади. Касб танлаш масаласида шу нарсаларга эътибор қаратиш лозим. Зеро, бугунги кундаги айрим касбларнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқдек.

Ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги блогерликка қизиқади. Улар турли ўйинлар, кўнгилочар дастурлар ва контентларни юритувчи блогерларнинг мухлислари. Танлаган йўналишлари ҳам шунга монанд: блогер бўлиш... ёки ўзининг кундалиқ ҳаётини, еган овқатини, борган масканларини инсонларга реклама қилиш орқали осонгина пул топиш...

Катта фарзандим ҳам компьютер ўйинларини қандай ўйнашни ўргатадиган блогер бўлиш истагида:

– Ойи, бундан жуда яхши пул топиш мумкин. Обуначиларим кўпайгани сари даромадим ҳам ортади. Синфимизда бир ўртоғим бор: қаерга борса, шуни видеога олиб ташлайди. Ҳозир 1000 та обуначиси бор, кунига 1 доллар топади.

– Ўғлим, яхшилаб ўйлаб кўр.

Мусулмон инсоннинг қилаётган ишидан бошқаларга ҳам манфаат бўлиши лозим. Ўйин ўйнаш вақтини исроф қилишдан бошқа нарсаси эмас.

Инсонлар танлаган касблари орқали унинг кейинги ҳаёт йўлини белгилайдилар. Агар хайрга ва-сила бўладиган касб танлай олса, ўз иқтидори ва меҳнати билан ҳам дунё, ҳам охираат саодатига эришади. Аҳамиятли жиҳати шуки, бу касб билан фақат моддий рағбатни ҳам, маънавий бойликни ҳам назарда тутса, янада аъло.

Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир. Албатта, ҳар бир кишининг ният қилган нарсаси бўлади...”** (Муттафақун алайҳ).

Яъни, фарзандларимизни касб танлаш ёшига етгунларича, олдларига хайрли бир мақсад қўя олишга йўналтиришимиз жуда муҳимдир. Чунки инсонлар моддий эҳтиёжлар сабаб ишлайди,

оиласининг таъминоти учун ҳаракат қилади. Бироқ олдига хайрли бир ният қўя олса, касбининг ортидан ҳам савоб қозонади, ҳам моддий эҳтиёжларини таъминлай олади.

Бугунги кунда қизлар танлайдиган ўқитувчилик касбини олайлик. “Тушгача дарсини ўтади, кейин бемалол уй ишларини бажаради”, дея ўқитувчиликни танлайдилар. Агар бу мақсадлар орасига, кимгадир бир ҳарф ўргатиш шарафли ва савобли касб, унинг ортидан қанчадан-қанча болаларнинг саводини чиқариб, илм олишларига ёрдамчи бўлиб, савоб қозониши мумкин дея олса, мўмин бандага муносиб йўл тутган бўлади.

Ёхуд аксарият йигитлар, давлат иш билан таъминлайди, ойлиги яхши, каби фикрлар билан ўзларини ҳарбийлик соҳасига уришди. Шу фикрнинг ўзи билан қанчадан-қанча инсон ўқиб, ишлаб, нафақага чиқиб ҳам улгурди. Аслида, бу касбни танлаган ҳар бир йигит Ватанимни ҳимоя қилиб, савоб оламан дея олса, солиҳ фарзанд

тарбиялашдек масъулиятли вазифанинг урдасидан чиққан бўлардик. Зеро, ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Бир кеча-кундуз “рибот” (яъни душман қаршисида туриб, чегарани ҳимоя қилиш) бир ой рўза (нафл) тутган ва бир ой кечалари туриб (нафл) ибодат қилгандан яхшироқдир»**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Яъни, агар гул каби авайлаб ўстирган жигарпорангиз улғайиб, касб танлаш босқичига етган бўлса, у билан суҳбатлашинг. Унга танлаётган касбнинг фойдали томонларини, уни мукамал эгаллаш учун қанча машаққатни бўйнига олиши лозимлигини, олдига қандай мақсад қўйса, ушбу касб сабабли савоб қозониши мумкинлигини атрофлича тушунтиринг.

Сиз бу ҳақда ўйлаб кўрдингизми, болангиз билан суҳбат қурдингизми: “Фарзандингиз ким бўлмоқчи?”

Нигора АБДУМУХТОР қизи
тайёрлади.

“Аввал ўйла, кейин сўйла”

Бугун интернет тармоғи ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Эрта тонгдан телефонни олиб янгиликларни ўқишга шўнғиймиз. Афсуски, аксарият хабарлар ҳақиқатдан йироқ, блоглар маданият мезонларига жавоб бермайди, изоҳлар эса ҳақорат ҳамда камситишларга тўла. Баъзан ўзига ёқмаган кишилар, ҳатто бутун бошли ҳудуд аҳолиси шаънига тош отишлар ҳам учраб туради. Бу эса таълим-тарбиямиз, одоб-ахлоқимиз хусусида жиддий бош қотиришимиз лозимлигидан далолат беради.

Узоққа бормайлик. Яқиндагина ижтимоий тармоқда кетма-кет бир неча нафар қизлар мамлакатимиз олис ҳудудларида истиқомат қилувчи юртдошларимизни тилга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилишди. Уларнинг чиқишлари қисқа муддатда виртуал оламни ларзага солди ва фойдаланувчиларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлди.

Динимиз барча мўмин-мусулмонларни ғийбат, тухмат, асосиз миш-миш тарқатиш, ёлғон сўзлаш, ҳақорат қилиш, чақимчилик, ифво, бўҳтон ва сохта гувоҳлик бериш каби иллатлардан қайтаради. Боиси,

буларнинг ҳаммаси тил орқали содир бўладиган гуноҳлардир.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **“Эй мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошқа) бир миллатни масҳара қилмасин! Эҳтимолки, (масҳара қилинган миллат) улардан яхшироқ бўлса. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масҳара қилмасин)! Эҳтимолки, (масҳара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингизни (бир-бирларингизни) мазах қилмангиз ва бир-бирларингизни лақаблар билан атамангиз! Иймондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир!”** (Хужурот сураси, 11-оят).

Киши бошқа бир кишини камситиши, сўкиши мусулмонга хос бўлмаган ишдир. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Мўмин мўминни сўкиши фосиқликдир, мўмин мўминни ўлдириши куфрдир”**.

Ўзгаларни ҳақорат қилиш жамиятда ўзаро нафрат ва адоватни ҳам уйғотади. Зеро, Ислом дини жамият бирлигига путур етказадиган ҳар қандай ишни қоралайди, аксинча, одамларни бир-бирига меҳр-оқибатли, дўст, улфат бўлишга тарғиб этади.

Албатта, мамлакатимиз қонун-

чилигида ҳам фуқаро бошқа бир фуқаронинг шаънини топташига йўл қўйилмайди. Шу боисдан ҳам юқорида тилга олинган қизларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Бу каби ҳолатлар ҳаммамизни чуқур ўйга толдириши, табиий. Негаки, халқимизда қиз боланинг тарбияси, одоби, иффатига алоҳида эътибор қаратилади. Агар бу борада бирор ноқислик сезилса, унинг оила аъзолари учун катта айб саналади.

Тўғри, бугун ижтимоий тармоқлар турли бемаъни видео ва ахборотларга тўлиб кетди. Афсуски, уларнинг аксарияти ёшларимиз билан боғлиқ. Демак, вақтни қўлдан бой бермасдан фарзандларимиз таълим-тарбияси билан шуғулланишимиз лозим. Уларга кўп асрлик миллий қадриятларимизни ўргатишимиз, ўтмишда ўтган буюк аجدодларимиздан ибрат олишга руҳлантиришимиз, тил ва қалбимизни бирдай ислоҳ қилишга чорлашимиз даркор. Зеро, тўғри тарбия олган, ота-боболарини улуғлаган инсон борки, аввал ўйлаб, кейин сўйлайди, ножоиз ҳаракатларга йўл қўймайди.

Ш. СОДИҚОВА

Мактубларда манзаралар

Дехқонобод нафақат тоғу қирлари, балки олиму уламолари, доғнишмандлари билан ҳам машҳур. Яқин ўтмишда бу қадим диёрда кўплаб илм соҳиблари етишиб чиққан.

Домла Қосим ана шундай илм аҳлларида бири. Ҳазрат Белибойли Ўраси бошларидаги кичик Авжун қишлоғида таваллуд топган.

Домла бошланғич таълимни замонасининг етук олими Саидлуқмонхондан олади. У устози таъқибга учраб, Афғонистонга ўтиб кетгунига қадар ўн йил мобайнида илм ўрганади. Сўнг Абрайқул ҳожи Яҳёхон эшондан сабоқ олади ва 18 йил Бухорои шарифдаги машҳур мадрасаларда ўқишни давом эттиради. Сабоқдошлари орасида Дехқонободнинг Жинғил, Бошчорбоғ, Шакарбулоқ қишлоқларидан ҳам мулалар бўлади. Улардан яна бири Охун Бадаловдир. Талабалар илмда маълум мавқега етгач, уларига қайтишади. Шунда устозлардан бири уларнинг ортидан: “Илм тошлар орасига сингиб кетди”, деган.

Толиби илмлардан бири

Домла Қосим бўлиб, қишлоғига қайтгач, маърифат улашиш билан машғул бўлади. Аммо собиқ шўро тузуми уларга қарши қаттиқ кураш олиб боради. Шу туфайли илмли киши борки, қатағонга учрайди.

Домла Қосим ҳам умр бўйи қочиб яшашга мажбур бўлади. Вафотига қадар Қорамас, Саримас тоғлари орасидаги Дарбанд дараларида пинҳона ҳаёт кечириди.

Одамлар орасида Қосим Домланинг кароматлари ҳақида турфа хил гаплар юради. Уларни чинми, ўтрикми, лекин домлага боғлашади.

Бир умр илм эгаллаш ва уни ёйиш билан шуғулланган Домла Қосим Дарбанд дарасида Кўшқот манзилида 1952 йилда вафот этади.

Домла Қосимнинг отасини мулла Мавлонберди Охун дейди. У ҳам жуда тақводор инсон бўлган.

Албатта, бугун мамлакатимизда диний-маърифий соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Янги масжидлар,

мадрасалар бунёд этилиб, қадимжолар, хонақоҳлар обод этилмоқда. Шу билан бирга, муқаддас динимиз равнақи йўлида хизмат қилиб ўтган солиҳ аждодларимизнинг фаолиятлари, китоблари ўрганилмоқда. Шу маънода айтмоқчимизки, диний пешво Домла Қосим ҳаёт йўллари, эзгу ишлари тадқиқ этилса, нур устига нур бўларди. Зеро, ўтмишни ўрганиш, ундан сабоқ олиш кишини тўғри йўлга етаклайди.

Расул РАҲИМОВ,
Дехқонобод тумани



Домла Қосим

Масала

5-бетда

Жобир ибн Абдуллоҳ рози-яллоҳумо анҳу бу оят тафсири ҳақида Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўраганларида у зот бундай деганлар: **“Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, бирорта одам дўзахга кирмай қолмайди. Оташ Иброҳим алайҳиссаломга омон ва тинч бир макон бўлгани каби дўзах ҳам мўминга салқин ва саломат жой бўлади. Ҳатто дўзахда салқинлигидан қичқириқ пайдо бўлади. Сўнг Аллоҳ тақводор бўлганларни дўзахдан қутқаради ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида жаҳаннамда қолдиради”** (Имом Аҳмад ривояти).

Савол: Динимизда электр токи ёрдамида балиқ овлаш дурустми?

Жавоб: Электр токи орқали балиқ овлаш балиқларнинг наслини қиради. Электр токи балиқларни катта-кичик деб ажратмай, ҳаммасига бирдек зарар келтиради. Ҳатто уруғлари ҳам нобуд бўлади. Уруғланиш бўлмагач, балиқ насли кесилади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Қай бир инсон чумчуқни ёки ундан каттароқ нарсани ноҳақдан ўлдирса, албатта, Аллоҳ таоло ундан у ҳақда сўрайди”**, деганлар (Имом Насоий ривояти).

Динимизда инсон, ҳайвон, ҳатто ўсимлик наслини қириш фасод – бузғунчилик ҳисобланади: **«Аллоҳ фасод (бузғунчилик)ни ёқтирмайди»** (Бақара сураси, 205-оят).

Савол: Ўтириб намоз ўқийдиган бемор қўлини киндик остига боғлайдими ёки сони устига қўядими?

Жавоб: Беморлик туфайли ўтириб намоз ўқийдиган киши ҳам тик турганлик ҳукмида бўлади. Шу боис унда эркаклар қўлини боғлаб киндик остига, аёллар кўксига қўйган ҳолда намоз ўқийди.

“Сўнг, ўнг қўлини чап қўли устига қўйиб, киндиги остига қўяди. Аёл киши кўксига қўяди. Бу иш суннат зикри бор ҳар бир қиёмда қилинади” (“Мухтасарул виқоя”).

Мазкур иборанинг шарҳида Мулла Али Қори раҳимаҳуллоҳ: “Намозда тик туриш ҳақиқий ва ҳукмий бўлади. Ўтириб намоз ўқийдиганлар ҳукмий қиёмда бўлгани учун қўлларини киндик остига қўяди”, деган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

“Эртуғрулғозий” жомеи




Ашхободнинг қоқ марказида жойлашган “Эртуғрулғозий” масжиди Туркменистондаги меъморчилик намуналаридан бири саналади. Бино кишида анъанавий бадиий безак андозаларидан воз кечилган

меъморий обида сифатида таассурот қолдиради. Ушбу муҳташам жоме Туркменистондаги энг гўзал бино ҳисобланади. Аксарият одамлар мазкур масжидни асл номи билан эмас, балки у қурилган кўча номи билан “Озодий” деб аташади.

Масжидда бир вақтнинг ўзида беш мингдан ортиқ намозхон ибодат қила олади. Дастлаб масжид усмонийлар салтанати отаси Усмон Биринчи номи билан аталган эди. Кейинчалик уни Усмон Ғозийнинг отаси шарафига “Эртуғрулғозий” деб номлашга қарор қилинди. Масжид 1998

йилда фойдаланишга топширилди. Юқори қаватда қордек оппоқ тўртта минора бор. Меъморчилик услуби жиҳатидан Истанбулдаги “Мовий” масжиди билан “Озодий” масжиди ўртасида умумий хусусиятлар мавжуд.

Меъморлар ва қурувчилар бой ташқи ва ички безак яратиш устида кўп ишларни амалга оширишган. Жоменинг ҳашаматини янада ёрқинроқ намоён этиш мақсадида ён атрофидан кўплаб меҳмонхоналар қурилган. Бинонинг бадиий безакларида асосан Ислом ва Византия услублари ўз ифодасини топган. Масжид



ҳовлисидаги ажойиб фаввора жоме кўркига кўрк бағишлайди.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Тиббиёт бурчаги

Кўз остида ажин пайдо бўлса...

Яримта лимоннинг суви сиқиб олиниб, унга оз миқдорда туз ҳамда 1 дона тухум оқи қўшилиб, аралаштирилади ва юзга суртилади. 15 дақиқадан сўнг иссиқ сувда ювиб ташланса, кўз остидаги ажинларни кеткизади.



аралаштириб, қайна-тиб оламиз ва музлаткичда сақлаймиз. Дамламани 3 ҳафта давомида кунига 2 маҳал овқат билан 1 ошқошиқдан ичсангиз, моддалар алмашинувига ижобий таъсир қилади, мия томирларини тозалайди, хотира, эшитиш ва кўришни яхшилайди.



Кўзни равшан қилади

3 дона қурилган қалампирмунчоқни майдалаб, унга бир стакан илиқ сут қўшилади. Бир ярим ҳафта давомида ҳар куни эрталаб ичилади. Муолажани 2 ой ичида такрорланг.



Ичак фаолиятини яхшилайди

Яримта лимон суви 1–2 ошқошиқ зайтун ёғи билан аралаштирилиб, ҳар тонг оч қоринга истеъмол қилинса, ичак фаолиятини яхшилаб, ёғлардан халос бўлишга ёрдам беради.



Хотира сусайганда

125 gr майдаланган ерқалампир (хрен) илди-зи, 3 дона тўғралган лимон қобиғи, 3 ошқошиқ асални



Ич кетишда фойдали

Зиркнинг янчиб майдаланган илди-зи ва баргларида 1 ошқошиқ олиб, устидан 1 стакан сув қуйиб, 1 дақиқа давомида қайнатилади. 30 дақиқа тиндирилгач, докадан ўтказилади. Ушбу дамлама овқатланишдан 1 соат олдин 1 ошқошиқдан ичилади.



Йўтал безовта қилганда

100 ml бодринг шарбатига 2 ошқошиқ асал аралаштирилиб, 1 соат тиндирилади. Сўнг 2–3 ошқошиқдан овқатланишдан 30 дақиқа олдин истеъмол қилинса, йўтални кетказишга ёрдам беради.



Юзни тиниқ қилади

Бир дона банан мағзини яхшилаб эзғилаб, унга 1 ошқошиқ сметана ва 1 дона тухум сариғи қўшиб аралаштирилади ва аралашма юзга суртилади. Ниқобни 10–15 дақиқа ушлаб туриб, сўнг илиқ сув билан ювиб юборилади.



ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент шаҳар вакиллиги жамоаси пойтахтимизнинг Учтепа тумани “Чўлпон ота” жоме масжиди имом ноиби Сирожиддин домла Худойкуловга отаси **Маъмуржон ҳожи ХУДОЙҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Аллоҳ таоло марҳум отахонни раҳматига олсин, маконини жаннат қилсин. Барча хайрли ва савобли амалларини бошларига соя, охиратларига захира қилсин. Ортада қолган яқинларига гўзал сабр берсин.

Иннā лиллāҳи ва иннā илайҳи рōжиъун!

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамол нури

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHOBOEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatullo TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi:
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIIDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
To'lqin SHERNAYEV

Musahhiha:
Zebo OMONOVA

Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV

Ekspertizaga berildi:
05.08.2024

Xulosa (№03-07/4813) olindi:
09.08.2024

"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU

bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.450

24-3/16-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!
! لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не
оставляйте в неподходящих местах!